

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

200 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал- лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура- шиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар кири- тиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
20 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПҚ-2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сон қарори (рўйхат рақами 2032, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 490-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 14 апрель,
107-мх-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,
валютага оид жиноятларга ва жиноий
даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғи в. б.**

Б. ЗИЛЯЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 14 апрель,
12-сон

Ўзбекистон Республикаси Ахборот техноло-
гиялари ва коммуникацияларини ривожлан-
тириш вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузу-
ридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2015 йил
14 апрелдаги 107-мх, 12-сон қарорига
ИЛОВА

**Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички
назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 10-банддаги ва 29-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 7-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.